
430 ТА ХОНАДОН ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги “Жаҳон банки ва Осиё инфратузилмавий инвестиция банки иштирокида “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси”ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4898 қарорига мувофиқ Истиқлол МФЙда аҳоли томонидан танланган “Ичимлик сув таъминотини яхшилаш” сублойиҳаси доирасида битта сув минораси ўрнатилиб, 12 км тоза ичимлик суви тармоғи тортиш режалаштирилган. Айни кунларда маҳаллада “296-ХКМК” МЧЖ томонидан тармоқ тортиш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳаларга 2 млрд. 325 млн. 514 минг 714 сўм сарфланиши кўзда тутилган. Бу ишлар якунланиши билан маҳалладаги 430 хонадон аҳли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-03-10 17:51:59